

Судандаги масжидларда Қуръон кечаси бўлиб ўтди



15:00 / 15.01.2021 1830

Судан пойтахти Хартум шаҳридаги баъзи жоме масжидларда Қуръон билан маънан яқинлашиш анжумани ташкил этилди. Бу ҳақда Эль-Нилин ахборот агентлиги хабар берди. Учрашувда фуқаролар фаол иштирок этиб, Қуръони Каримни тиловат қилдилар. Ушбу анжумандан ёшу-қари руҳий ва маънавий озуқа олдилар.

Қуръони Каримнинг тунги дастурларига гувоҳ бўлган «Абдул Раҳмон ибн Авф» масжиди имоми Аҳмад Али Абдул Раҳмон маросимни ташкил этиш сабаби ҳақида қуйидагиларни айтди: «Шайх аз-Зайн бир неча кун аввал ушбу масжидга келди ва Қуръон ўқиди. Намоздан сўнг шу ерлик аҳоли томонидан ҳурмат эҳтиром билан кутиб олинди. Карантин шароитига қарамай, масжид ҳудуди одамларга тўлиб кетди. Ушбу ҳолатдан сўнг

Қуръони Карим тинглашни истаганлар учун Қуръон кечаларини ташкил этиш ғояси пайдо бўлди».

Ушбу таклифдан сўнг Абдул Раҳмон Хартум шаҳридаги таниқли тадбиркор Маҳмуд билан боғланиб, у Хартум масжидларида тунги Қуръон маросимларини ташкил этиш бўйича барча харажатларни ўз зиммасига олишини ва маросим охирида масжиддагиларга ва Қуръон тинглагани келганларга иссиқ овқат тарқатилишини айтди.

Хуршид Маъруф тайёрлади